# САНЪАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Санъат ҳафталиги ўз услуби ва йўналишига эга бўлиб бораётган умидли ёшларнинг ижоди ва интилишларини тўлиқроқ намойиш этишга кўмаклашиш, юртимиз ва хорижлик мутахассисларнинг маданият, санъат ва модага доир ўзаро фикр ва тажриба алмашишига имкон яратади. Айни пайтда ушбу ижодий анжуман юртимизда санъат, маданият, мода ва дизайн бўйича эришилган муваффақиятлар билан хорижликларни таништириш, бу йўналишда ўзаро истиқболли ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Жамғарманинг маданият, санъат, мода ва дизайнга оид ушбу йирик лойиҳаси самарасида юртимизнинг истеъдодли ёш дизайнерлари томонидан яратилган миллий либослар тўпламлари Хитой, Россия, Чехия, Франция каби давлатлардаги халқаро либослар фестиваллари, ижодий кўрик-танловлар, мода ҳафталикларида катта муваффақият қозонмоқда.

Бу йилги санъат ҳафталиги ҳар қачонгидан ҳам ёрқин ва ранг-баранг тадбирлар, кўргазмалар, тақдимот маросимлари, ижодий анжуманлар, таниқли дизайнерлар, рассомлар, санъатшунослар билан учрашувлар, концертлар, маҳорат сабоқларига бой бўлади. Амалий санъат, мода ва дизайнга оид қизиқарли тадбирлар, нодир буюмлар намойиши, таниқли рассом ва дизайнерлар ижодига бағишланган кўргазмалар, юртимиз ёш дизайнерларининг ижод намуналаридан иборат "Underground", четэллик модельерлар, "Дом стиля" модалар уйи томонидан яратилган тўпламлар намойиши, миллий либослар фестивали, маҳорат сабоқлари ўтказилади.

Ҳафталикнинг биринчи куни Ёшлар ижод саройида амалий санъат, дизайн ва мода кўргазмаси ташкил этилди.

Унда миллий ҳунармандликнинг кулолчилик йўналишида ном қозонган Алишер Раҳимов, кандакор уста Масъуд Мадалиев томонидан яратилган амалий санъат намуналари билан танишиш мумкин. Кўргазмада, шунингдек, қадимий сўзаналар, миллий матолар, заргарлик буюмлари, ёш дизайнерларнинг қайта тикланган қадимий технологиялар асосида яратган миллий либослари, замонавий кийим-кечак, пойабзаллар, турли аксессуар ва безаклар намойиш этилмоқда.

– Мазкур ҳафталик Ўзбекистоннинг маданият, санъат ва мода соҳасида эришган ютуқлари билан атрофлича танишиш имконини беради, – дейди Хитойнинг Халқаро дўстликка кўмаклашиш ассоциацияси раҳбари ўринбосари Чен Шао Син. – Халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг илдизи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Буюк ипак йўли асосида йўлга қўйилган савдо-сотиқ, маданий-маърифий алоқалар бунинг далилидир. Санъат ҳафталиги Ўзбекистонда маънавий-маърифий йўналишларда, санъат ва маданият соҳасида эътироф этса арзигулик ютуқлар қўлга киритилаётганидан далолатдир.

Шу куни "Тошкент курантлари" меъморий мажмуасида қадимий буюмлар ва амалий санъат намуналаридан иборат кўргазма очилди. Унда қадимий ва ноёб буюмлар, миллий либослар, чинни идишлар, ҳайкалтарошлик намуналари, рассомлар ва дизайнерларнинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳамкорлигида ўзбек фотосанъатининг асосчиси ва биринчи кино оператори Худойберган Девонов таваллудининг 130 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.**

# МАЪРИФАТПАРВАР ИЖОДКОР

Юртимизда атоқли олимлар, маданият ва санъат намояндалари ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш, улар қолдирган бой маънавий меросдан ёшларни баҳраманд этиш борасида кенг кўламли эзгу ишлар амалга оширилаётир.

Бу жиҳатлар маърифатпарвар ижодкор, ўзбек кино ва фотография санъати асосчиси Худойберган Девонов ҳаёти ва фаолиятини атрофлича тадқиқ этишда ҳам намоён бўлмоқда. Х. Девоновнинг асарлари миллийлиги, XIX аср охири – XX аср бошида юртимиз ҳаёти холис ва ҳаққоний ёритилгани, давр руҳини моҳирона акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир. Ижодкор "Ўлкамиз меъморий ёдгорликлари", "Туркистон кўринишлари" каби тарихий экран асарларини тасмага туширишга муваффақ бўлган.

Кўргазмада Х. Девоновнинг юзга яқин фотоасари, ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар намойиш этилмоқда.

**ЎзА.**

## Футбол

# КИМ БРОНЗА МЕДАЛГА ДАЪВОГАР?

**Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий лигаси беллашувлари якунланишига бир неча тур қолганда кучли жамоалар асосий эътиборини Осиё миқёсидаги мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмаларни қўлга киритишга қаратмоқда.**

Қитъамиздаги футбол клубларининг энг нуфузли мусобақаси – Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги мавсумида мамлакатимиз шарафини пойтахт вакиллари – "Бунёдкор" ва "Пахтакор" ҳимоя қилиши ҳал бўлган. Қоидага кўра, чемпионлар лигаси йўлланмаси чемпион жамоа ва мамлакат кубоги соҳибига берилади. Ҳозир миллий чемпионатда йигирма тўртта учрашувда фақат бир маротаба дуранг ўйнаган ва қолган барча ўйинларда зафар қучган "Бунёдкор" футболчиларининг мавсумни кетма-кет иккинчи марта чемпион сифатида якунлаши ва Осиё чемпионлар лигаси йўлланмасини қўлга киритиши деярли аниқ.

Чемпионлик учун курашда "Бунёдкор"га имкониятни бой берган "Пахтакор" эса август ойида Ўзбекистон кубогини қўлга киритиб, Осиё чемпионлар лигаси масаласини мавсум ярмидаёқ ижобий ҳал қилган эди. Ҳар икки жамоа учун чемпионатнинг қолган ўйинлари ёш футболчиларни синовдан ўтказиш ва келаси мавсумга тайёргарлик вазифасини бажаради.

Эндиликда футбол мухлислари ва мутахассислари учинчи ўрин ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги йўлланмасини қўлга киритиш учун Қаршининг "Насаф" ва Фарғонанинг "Нефтчи" жамоалари ўртасидаги рақобатга гувоҳ бўладилар. Бу борада, ҳозирча, қашқадарёликларнинг имконияти юқори баҳоланмоқда. Виктор Кумиков шогирдлари йигирма бешинчи турни Наманганда ўтказиб, Рустам Қодировнинг ягона голи эвазига "Навбаҳор"ни мағлуб этди. "Нефтчи" футболчилари ҳам мазкур турда ўз майдонида Анвар Бердиевнинг бир жуфт голи эвазига "Олмалиқ"ни 2:1 ҳисобида доғда қолдирган бўлса-да, мусобақа жадвалида "Насаф"дан етти очкога ортда.

Йигирма бешинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Машъал" (Муборак) – "Локомотив" (Тошкент) 1:0, "Қизилқум" (Зарафшон) – "Шўртан" (Ғузор) 2:2, "Сўғдиёна" (Жиззах) – "Андижон" (Андижон) 0:2, "Динамо" (Самарқанд) – "Бухоро" (Бухоро) 2:2.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## Bolalik bog`i

# SOVG`A

Ishdan qaytsam, tokchadagi guldonda uch dona za'faron atirgul turibdi. Men sevgan gullar... Engashib hidladim. Shunday chiroyli, antiqa gullarki! Yonida tabrik so`zi ham bor:

"Oyijon, tug`ilgan kuningiz bilan! Odobli bo`lishga, to`rt va besh baholarga o`qishga va'da beraman, Umidjon".

Sevinganimdan ko`nglim yorishib, ko`zlarimda yosh qalqidi.

Qarang-a, unutmaganini! Axir, rostdan ham bugun mening tug`ilgan kunim. O`g`limning fahm-farosatiga qoyil! Eslabdi-ya, yana eng yaxshi sovg`a, men sevgan gullarni topibdi! Kamtarlik qilib, gullarni xonamga qo`yib ketganini aytmaysizmi?!

Nafis gullar hidi xonani tutgandi. Yana to`yib-to`yib hidladim. Bahri-dilim ochilib, huzurlanaman. Mendan baxtli ona bormi, dunyoda?

Bir payt ostonada qo`shnimiz Dilbar ko`rindi:

– Jamila opa, uydamisiz?

– Kiravering, Dilbaroy.

U nazarimda orqasiga bir narsani yashirib turgandek edi. Qovog`i soliq. Gapirgisi yo`q.

"Hovli olma, qo`shni ol" degan gap bor. Men qo`shnidan yolchiganman. Dilbar o`z singlimdek bo`lib qolgan. Biz u bilan yaxshi-yomon kunlarimizda doim bir-birimizga suyanamiz.

Balki u ham bugungi kunni eslab, sovg`a berishdan tortinib turgandir? Unda nega xafa? Yoki Sobirjon bilan gaplari qochib...

– Kiravering, Dilbaroy, tortinmang!

U tik turgancha, "haligi, haligi", deya chaynalaverdi. Keyin:

– Ko`nglingizga olmang-u, men shu Umidjondan ozgina shikoyat qilib chiquvdim, – dedi nihoyat. – Tunov kuni ham ayollar bayrami arafasida ko`chadagi gulzordan bir dasta atirgulni indamay maktabiga uzib ketibdi. Bir joydagi odamlarmiz axir, – deya g`unchalari uzilib, payhon qilingan bir dasta atirgul novdasini xontaxtaga qo`yib, indamay chiqib ketdi.

Ustimdan bir chelak suv to`kilgandek bo`ldi. Boyagi kayfiyatimdan asar ham qolmadi. Jahl bilan hovliga chiqdim. Hovuz bo`yida Umidjon turardi. Qaltirab oldiga bordim. U esa burnini tortib, ko`z yoshlarini yashirmoqchi bo`lardi...

**Muhayyo TO`LAGANOVA.**

Общество с ограниченной ответственностью "SANURIYA" (ИНН 300977635) расположенное по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, 1-проезд Авиасозлар, д. 1, кв. 82, зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского района от 5 ноября 2008 г. № 002077-07, с момента государственной регистрации не занимавшееся финансово-хозяйственной деятельностью, ЛИКВИДИРУЕТСЯ решением добровольной ликвидации № 1 от 30.09.2009 г.

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по тел.: 990-42-56.

ДП "TO`G`ON-SHIFO" (ИНН 205606414, ОКПО 20152723) гувохнома № 000807-05 от 11.04.2005 г., зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сабир Рахимовского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. У. Ширин, 1-туп., д. 84, ЛИКВИДИРУЕТСЯ решением ОАО "TOSHKENT SHAHAR DORIDARMON" № 02/09 от 16.09.2009 г.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "JAKSON" Шайхантахурского района г. Ташкента решением учредителей присоединяется к ЧП "ABDURASUL SAVDO PLUS" Шайхантахурского района г. Ташкента и преобразуется в ООО "ABDURASUL SAVDO PLUS".

Претензии принимаются по тел.: 987-30-41.

Утерянный план дома БТИ на квартиру, находящуюся по адресу: г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Саракульская, д. 50/1, кв. 1, выданный на имя Талипова Абдужалила Гаффаровича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом с отличием № 014665 (рег. № 21813), выданный в 1999 г. Ташкентским электротехническим институтом связи на имя Татищевой Ирины Геннадьевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

## Саломат бўлинг

**Мустақиллик йилларида республикамизда баркамол ёш авлодни вояга етказиш, улар соғлигини муҳофаза қилиш, умуман, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эътибор янада кучайди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси ОИВ инфекциясига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айнан шу мақсадлардаги саъй-ҳаракатлар самарасини оширишга йўналтирилган.**

# ЁШЛАРИМИЗ ЗАВОЛ ТОПМАСИН!

Ҳозирги пайтда бутун ер юзида инсоният келажагига хавф солаётган муаммолардан бири ОИТС касаллигидир. Энг ачинарли томони шундаки, бу – ёшлар касаллиги. Ушбу бедаво дардга 14 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар кўпроқ чалинаётир. Улар айни ҳаёти гуллаб-яшнаган, севиб-севилиб турмуш қурадиган, ширин-шакар фарзандлар кўриб, уларнинг тарбияси билан шуғулланадиган, ўқиб-ўрганиб, касб-ҳунар эгаллайдиган, елиб-югуриб ишлаб, халққа, жамиятга фойдаси тегадиган ёшдаги инсонлар.

Ҳанузгача бу касалликни тўлиқ даволаш, бемор танасини вируслардан бутунлай тозалаш имконини берувчи самарали дорилар топилмаган.

ОИВ инфекциясини юқтириб олган вирус ташувчилар, ОИТСга чалинганлар бу касалликнинг манбаи бўлиши мумкин. Инсон организмига ОИВ вируслари тушган вақтдан бошлаб, то касалликнинг биринчи белгилари келиб чиққунга қадар ўтган вақт касалликнинг яширин даври бўлиб, у 3 ойдан 10 йилгача, баъзан ундан ҳам узоқ вақт давом этиши мумкин.

ОИТС касаллигига чалинганда бу жараён пировард натижада беморнинг ўлими билан тугайди. Шунинг учун у бедаво дард ҳисобланади.

Атрофдагилар учун ОИТС касаллиги билан оғриган беморларга нисбатан ОИВ инфекциясини юқтириб олган вирус ташувчилар хавфли ҳисобланади. Чунки уларда касалликнинг бирор белгилари йўқ, улар соғлом одамлардан фарқ қилмайди, ҳатто, ўзлари ҳам касалликни юқтириб олганликларини, таналарида ОИВ вируслари борлигини билмасликлари мумкин. Натижада касалликнинг яширин даврида вирус ташувчилар атрофдаги кўплаб одамларга касалликни юқтириб юришлари мумкин. Касаллик бошлангандан кейин эса, беморлар уйида ёки шифохонада даволанади, яъни уларнинг касалликни юқтириш эҳтимоли бироз чекланади.

ОИВ инфекцияси одамга асосан икки йўл билан тез юқади. Биринчиси – қон орқали юқиш. Бевосита ОИВ инфекциясини юқтирган вирус ташувчи ёки ОИТС билан касалланган беморнинг қонини қуйиш, инсон териси ёки шиллиқ пардаларининг бутунлиги бузилиши билан кечадиган муолажаларни ўтказиш жараёнида тери ва шиллиқ пардаларнинг жароҳатланган жойи орқали организмга ОИВ вируслари киради. Гиёҳванд моддаларни шприц орқали қабул қилиш, ОИВ инфекциясини юқтириб олганларга ишлатилган тиббий асбоб-ускуналарни микроблардан тозаламасдан бошқа одамга ишлатиш, соқол-мўйлов олдириш, соч қирдиришда дезинфекция қилинмаган устара орқали юқиши, гўзаллик салонларида педикюр, маникюр ва бошқа тери бутунлиги бузилиши, жароҳатланишига сабаб бўлувчи тадбирлар чоғида, ҳозирги пайтда ёшлар ўртасида урф бўлаётган танасининг турли жойларига ҳар хил тақинчоқлар тақиш, терига игна билан ёзиш, расмлар чизиш, қизларнинг қулоғини тешиш жараёнида битта игнадан фойдаланиш, ўғил болаларни хатна қилишда катронланмаган асбоб-ускуналардан фойдаланиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ОИВ инфекцияси юқиб қолиши мумкин.

Иккинчиси – ОИВ инфекциясининг онадан болага юқиш йўли. Агар ҳомиладор аёл ОИВ инфекциясини юқтириб олган бўлса, ундан туғиладиган фарзандга ҳам касаллик юқиши мумкин. Бола она қорнида ривожланиш жараёнида плацентар қон орқали, кўкрак сути билан эмизиш жараёнида ОИВ инфекцияси юқади.

ОИВ инфекциясини юқтириб олганларни бошқа одамлардан ажратишнинг имкони йўқ. Чунки касалликнинг бирорта белгиси сезилмайди, уларни ҳеч нарса безовта қилмайди.

ОИТС касаллигида беморларда кузатиладиган тана ҳароратининг кўтарилиши, лимфа тугунларининг катталашуви, қисқа муддат ичида озиб кетиш, ўпка яллиғланиши, турли хил ўсмалар келиб чиқиши бошқа турдаги касалликларда ҳам кузатилиши мумкин.

Одам организмида ОИВ вируслари борлигини – ОИВ инфекциясини юқтирган ёки юқтирмаганлиги ундан олинган қонни махсус лабораторияларда текшириш йўли билан аниқланади. Фақат шу лабораторияларда текширув хулосалари асосида беморга ОИТС ташҳиси қўйилиши мумкин.

Соғлом турмуш тарзи, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмаслик, жинсий бузуқлик, зино ишлари билан шуғулланмаслик, ичкиликбозлик ва бошқа зарарли иллатлардан тийилиш, терига игна билан ёзмаслик, сартарошхоналарда тозалиги кафолатланмаган устараларда соқол олдирмаслик, соч қирдирмаслик, гўзаллик салонларида педикюр, маникюр ва бошқа терининг бутунлиги бузилишига сабаб бўлувчи муолажаларни олмаслик, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, тиббий муолажаларни бир марта ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар билан олиш, тиббиёт ходимларидан ишлатилаётган тиббий ускуналарни бемор кўз олдида очиб ишлатишларини ва ушбу асбоб-ускуналарнинг стерилланганлигини талаб қилиш ОИТС касаллигининг олдини олишнинг асосий шартларидир.

Кўриниб турибдики, ОИТС касаллигининг олдини олиш ва ҳимояланиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар юқоридаги қоидаларга риоя қилинса, нафақат ОИТС, балки вирусли гепатит, захм, сўзак ва бошқа таносил касалликлари юқиб қолишидан хавфсирамаса ҳам бўлади. Демак, сиҳат-саломатлик ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

**У. МУРОДОВ,**
**вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори.**
**М. НАЗАРОВ,**
**олий тоифали шифокор.**

Собир Раҳимов туман ҳокимининг қарори билан рўйхатга олинган "FARHOD-XUSAN OMAD" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "FARHOD-XUSAN OMAD" масъулияти чекланган жамиятига ўзгариши муносабати билан даъволар 350-64-31 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан Қурбанбаева Сайёра Холмирзаевна номига 2002 йил 23 июнда берилган К № 002214 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат аграр университети томонидан Ташходжаев Нодиржон Айтханович номига 1999 йилда берилган № 236066 рақамли (рўйхат рақами 4570) диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 03.12.2008 йилда 004227-11-сонли қарор билан рўйхатга олинган "MUHAMMADBOBUR-SAVDO" МЧЖга юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисида берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар 1-Юридик коллежи томонидан 2005 йилда Пулатов Фарход Рустамович номига берилган 240-НК № 280411 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "AZIA GRAND PRODUKT" (ИНН 300931677) сообщает об уменьшении уставного фонда с 91 165 000 (девяносто один миллион сто шестьдесят пять тысяч) сумов до 32 135 068,34 (тридцать два миллиона сто тридцать пять тысяч шестьдесят восемь сумов тридцать четыре тийина).

Утерянный план на квартиру по адресу: г. Ташкент, м-в Юнусабад, 6-й квартал, д. 36, кв. 30, выданный БТИ Юнусабадского района г. Ташкена на имя Новикова Дмитрия Алексеевича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

## Рассом ҳандаси



*Қўлинг билан бериб қарз,*
*Оёқлардан қилма арз.*

**Жаҳонгир МИРЗО чизган расм.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Умид УБАЙДУЛЛО

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-940. Адади 4253. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5